



27
(1501)-son
9-iyul
2021

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" 240та ЭЛЕКТРОСКУТЕР СОТИБ ОЛДИ

Бу ҳақда АОКАда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди

Почта ва курьерлик жўнатмалари, даврий матбуот нашрлари ва бошқа жўнатмаларни етказиш учун 240та электроскутер сотиб олинди.

"Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Президент қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун молиялаштириш манбаи этиб, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг 100,0 млрд. сўм миқдордаги оддий акцияларини қўшимча чиқариш белгиланган.



IT WOMENUZ-2021

ОИЛА МУҲИТИДАН ИННОВАЦИЯГА

Хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги билим ва кўникмаларини бойитиш мақсадида IT WomenUz-2021 лойиҳаси амалга оширилган эди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида лойиҳа доирасида ташкиллаштирилган ўқув курслари ниҳоясига етди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, IT-Парк, ТАТУ, ИНХА ва Амити университетлари билан ҳамкорликда йўлга қўйилган лойиҳа доирасида Юнусобод туманида яшовчи 18 нафар хотин-қиз курсларни



муваффақиятли якунлашди. Барча иштирокчилар сертификат ва совғалар билан тақдирланди.

– "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" да рўйхатга олинган, шунингдек, АКТ соҳасида билим ва кўникмаларини оширишга эҳтиёжи бўлган хотин-қизлар лойиҳа доирасида ўқиб, сертификатга эга бўлишди, – дейди Тошкент ахборот технологиялари

университетининг хотин-қизлар кенгаши раиси Ҳилола Султонова. – Хотин-қизлар компютер саводхонлиги, электрон тижорат ва тадбиркорликка оид қисқа муддатли машғулотлар ва психологик тренингларда қатнашиб, ўз билимларини бойитди. Тингловчиларда бошланғич офис тажрибасини шакллантиришга қаратилган машғулотларни АКТ соҳаси мураббийлари, профессор-ўқитувчилари олиб борди.

Дарҳақиқат, аёллар фақатгина оила муҳитида қолиб кетмаслиги, инновацион соҳадаги билимларни ўзлаштириб жамиятга фойда келтириш мақсадида ташкил этилган лойиҳа барча иштирокчиларнинг ўзига бўлган ишончини янада оширди.

АБИТУРИЕНТЛАРНИ ОНЛАЙН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)да "Абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш" электрон хизмати ишга туширилган.

Эндиликда абитуриентлар ўзи истаган давлат олий таълим муассасаларига ҳужжатларни ортиқча харажасиз, узоқ йўл босмай, турнақатор навбатларда турмай, уйдан чиқмаган ҳолда топшириши мумкин.

Ягона портал томонидан тақдим этилаётган ушбу хизмат, аввало, бугунги пандемия даврида саломатлигингизни хавф остига қўймасликни таъминлайди.

Шу билан бирга, ҳужжатларни тўплаш ва жўнатиш жараёнини осонлаштиради. Чунки барча керакли маълумотлар автоматик равишда давлат маълумотлар базаларидан олинади.

Агар сизда электрон рақамли имзо йўқ бўлса, уни Ягона портал орқали шакллантиринг. Электрон рақамли имзоси борлар эса рўйхатдан ўтишни бошлашлари мумкин.



КОРОНАВИРУС: ҚУРБОНЛАР СОНИ 4 МИЛЛИОНДАН ОШДИ

2021 йилнинг 7 июлига келиб, жаҳонда коронавирус оқибатида вафот этганлар сони 4 012 203 нафарга етди.

Энг кўп ўлим ҳолатлари:

1. АҚШ –	621 562
2. Бразилия –	527 016
3. Ҳиндистон –	404 341
4. Мексика –	233 958
5. Перу –	193 588
6. Россия –	140 041
7. Буюк Британия –	128 268
8. Италия –	127 704
9. Франция –	111 231
10. Колумбия –	110 019



Манба: Worldometer

Харакатлар стратегияси

Jumadan
umagacha

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 июл куни давлат активларини хусусийлаштириш соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазибалар муҳока-маси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш, аукционда қатнашиш тартибларини соддалаштириш ва иштиракчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазибалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 июл куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларининг икки томонлама кун тартибидеги долзарб масалаларни кўриб чиқилар ҳамда минтакавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 5 июл куни кишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда кимё саноатидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.


5 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Президентлар Афғонистоннинг шимолий ҳудудларидаги аҳвол ёмонлашиши муносабати билан Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг ваколатли идора ва ташкилотлари ўртасидаги мунтазам мулоқотларни давом эттиришга ва яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июл куни Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Элбошини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустақкам соғлик, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар Қозғистон халқига тинчлик-осойишталик ва равақ тилади. Шунингдек, минтакавий кун тартиби, энг аввало, Афғонистонда кескинлашган вазият юзасидан фикр алмашилди.

6 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф билан келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси Раиси Волкан Бозвирни қабул қилди. Халқаро ва минтакавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июл куни узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда ҳудудларда энотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” 240та ЭЛЕКТРОСКУТЕР СОТИБ ОЛДИ



Хозирги кунга қадар, тижорат банклардан кредит ва лизинг маблағларини жалб этган ҳолда почта ва курерлик жўнатмаларни, даврий матбуот нашрларни ва бошқа жўнатмаларни марказдаги почта саралаш бўлимидан олиб, олувчиларга етказиб бериш (бунда алоқа бўлимлари почта жўнатмаларини етказиб бериш фаолияти билан шугулланмайди) амалиёти жорий этиш мақсадида 240та электроскутер сотиб олинди ва иш жойларига берилди. Почта алмашинувларини амалга оширишда фойдаланилаётган автотранспортлар сони эса 388тага етди.

“Гибрид почта” хизматидан фойдаланиш бўйича 50дан ортиқ

ташкilotлар билан шартномалар тузилди. Шунингдек, ушбу хизматни ривожлантириш ва иш унумдорлигини ошириш ҳамда почта жўнатмаларига ишлов бериш жараёнида қўл меҳнатини қисқартириш мақсадида, 2та “Neopost” автомат конвертлаш ускунаси харид қилиниб, Тошкент шаҳрида синов тариқасида ишлатилмоқда.

Мижозлар номига келган почта жўнатмаларини олиши учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 30та автоматлаштирилган комплекслар (почтаматлар) сотиб олинди ҳамда Тошкент шаҳридаги 13та почтамат почта алоқаси объектларига ва аҳоли гавжум ҳудудларга, 17та почтамат Андижон,

Бухоро, Гулистон, Жиззах, Нукус, Навоий, Самарқанд, Наманган, Фарғона (зта), Қарши, Сурхондарё, Тошкент вилояти (зта) ва Урганч шаҳрига ўрнатилди. Бугунги кунда, уларни тармоққа улаш ва ахборот тизимларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва мижозларга етказиб бериш имкониятини берувчи “UNISAVDO” бренди остида Миллий онлайн савдо майдончаси 2021 йил феврал ойидан синов тариқасида ва март ойидан бошлаб тўлиқ ишга туширилди. Шунингдек, май ойидан мобил иловаси ишга туширилди.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“РРТМ” ДУК ПРОФИЛАКТИКА ЎТКАЗАДИ


Ўзбекистон Республикаси аҳолисига телевидение дастурларини узлуксиз ва сифатли тарқатилишини таъминлаш мақсадида “РРТМ” ДУКнинг техник воситаларини йиллик режаларда белгиланган муддатларда ўчириб, профилактика ишларини амалга ошириш зарур.

“РРТМ” ДУКнинг рақамли теледастурларни шакллантириш қурилмаларида, телерадио узатгичларида, антенна-фидер тизимларида ва сунъий йўлдош қабул қилиш-узатиш қурилмаларида ярим йиллик профилактика ишлари жорий йилнинг 6–30 июл кунлари ўтказилади.

14 июл куни соат 01:00 дан 06:00 гача (13 июлдан 14 июлга ўтар кечаси) рақамли теледастурларни шакллантириш қурилмаларида ва соат 01:00 дан 10:00 гача телерадио узатгичларда ярим йиллик профилактика ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу вақтда Тошкент шаҳрида ва республика бўйича рақамли теледастурларни (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг теледастурларидан ташқари) тарқатиш вақтинча тўхтатилади. Бунда Тошкент шаҳрида ва бир қатор вилоятларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг теледастурларини тарқатиш тўхтатилмайди, лекин айрим сифат пасайиши ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам 6–28 июл кунлари соат 01:00 дан 10:00 гача давлат, нодавлат, маҳаллий ва “UzDigital TV” МЧЖнинг тижорат телеканалларини узатадиган рақамли телеузатгичларда жадвал асосида ярим йиллик профилактика ишлари ўтказилиши режалаштирилган.

Тўхталишлар кузатиладиган вақтда абонент ускунаси (тюнер ва телевизор) соғломаларини ўзгартириш тавсия этилмайди.



ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ ЁХУД АНДИШАНИНГ ОТИ КЎРҚОҚ...МИ?

Хар доимгидек кундалик ишларга кўмилиб ўтирар эканман, хона телефони жиринглади. Гўшакни кўтардим. Ҳол-авҳол сўралгандан кейин “Нима масала”, деган саволимга:

– Биз чет эл компанияси билан шартнома имзолаш арафасидамиз, одатда хорижий ташкилотлар билан шартномалар икки тилда тузилади. Яъни, рус ва ўша ташкилот фаолият юритувчи давлат тилида. Бугунги кунда барча вазирлик, идора ва ташкилотларда давлат тилида иш юритишга алоҳида эътибор қаратилаётганини инобатга олиб, бир тилни ўша ташкилотнинг давлат тили ва иккинчисини ўзбек тили сифатида таклиф қилдик. Аммо ҳамкор ташкилот ўзбек тилидаги шартномани имзоламаймиз, деб оёқ тираб туриб олган, – деб жавоб қайтарди.

Бироз қийин вазият. Шартта, шартнома – партномаси керак эмас, тузишни рад қилинган десам, биринчидан, менда бундай ваколат йўқ, иккинчидан, нафақат ташкилотга, балки мамлакатимизга яхшигина манфаат келтириши мумкин, учинчидан, бу борада халқаро меъёрлар мавжудлигини ва тўртинчидан, нима бўлганда ҳам икки томон келишиб ишлаши кераклигини ўйлаб, сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган хулосага келиш зарурлигини айтдим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни 8-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади”, деб белгилаб қўйилган. Лекин баъзан қонун ҳужжатларининг рус тилида киритилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими – project.gov.uzга киришингиз билан қонуннинг ана шу моддасига асосан, давлат тилида киритилмаган ҳужжатлар автоматик равишда ўчириб

ташланиши ҳақидаги эълонга пешонангиз билан уриласиз, лекин бу ҳам камлик қияпти, шекилли.

Хар сафар ҳужжатларни кўриб чиқиш ва келишиш учун киритган вазирлик ёки идорага буни чиroyли тушунтиришга ҳаракат қилияймиз. Лекин бу жараёнда асосий жабр кўрадиганлар бизнинг вазирлик ходимлари. Чунки улар рус тилидаги ҳужжатни ўрганиб чиқиши, таклиф ва мулоҳазаларни бериш учун унинг керакли жойларини давлат тилига таржима қилишга мажбур.

Шу ўринда ҳозирги ишлар ҳақида икки оғиз сўз. Вазирликда фаолиятнинг 99 фоизи давлат тилида юритилмоқда. Нега юз фоиз эмас, дейсизми? Бир фоиз ҳужжатлар мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари, ташкилот ва корхоналар ваколатхоналари ёки чет давлатларга юбориладиган ҳужжатлар ҳисобланади. Биз бағрикенг халқмиз, қилмаларда дўрхшаб, ўз она тилида ҳужжат тайёрлаб, керак бўлса, ўқиб ол, демаймиз. Имкони борица уларнинг тилида ёки ҳеч бўлмаганида, улар тушунадиган рус, инглиз тилларида ёзамиз.

Бундан ташқари, бизга қилинган мурожаатларга немисларга ўхшаб, бошқа тилда ёзилган учун мурожаатнинг давлат тилидаги таржи-

масини талаб қилмай, унинг тилида жавоб қайтарамиз. Ҳа, нега шунини давлат тилида қилса, бўлмайдими, деган саволингиз ўринли. Бироқ бизда айрим қонун ҳужжатлари мурожаатчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, унга устунлик беради. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳририда, эҳтимол, бу каби саволларга ўрин қолмас, баъзи ҳолатларнинг олди олиниб, 32 йил олдин қабул қилинган қонундаги камчиликлар бартараф этилар, деган умиддамиз. Унча эса давлат ташкилотлари мурожаатчининг тилида жавоб қайтаришга мажбур. Йўқса, устиндан керакли жойга ёзиб юборишдан ҳам тоймайди булар...

Ёки Туркияда бўлгани каби барча ёзишмалар, ёзув ва ҳисоб-китобларни ҳеч қандай истисноларсиз давлат тилида олиб борилишини талаб қилиб ўтирмаймиз, юридик шахслар ўртасида тузилган давлат тилида бўлмаган шартномаларни ҳам бекор қилмаймиз. Энг кўп муҳокамаларга сабаб бўладиган рус тилидан бемалол фойдаланамиз. Шунчалар бағрикенг, меҳмондўст халқмизки, икки ўзбек суҳбатлашиб турган жойга бошқа миллат вақили келиб қўшилса, унинг ёки у тушунадиган тилда гаплашамиз. Зинҳор нега у менинг тилимда гапирмаяпти, деган саволни ўзимизга бермаймиз? Савол бериш у ёқда турсин, бу фикрни ҳаёлимиздан ҳам келтирмаймиз.

Шу жойида Вазирлар Маҳкамаси Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти мудири А.Қирғизбоев ҳар сафар маслаҳатчилар билан учрашганда тақорлашдан чарчамайдиган гаплардан иқтибослар келтирмоқчиман:

– Ўзбекистоннинг бирор чекка қишлоғи, у ерда бошқа миллатнинг

ўзи йўқ, лекин дўкон пешлавҳасига “Мы открылись” (биз очилдик) деб ёзиб қўйишмоқда. Бу нима шармандалик?!

– “Россиянинг бирор туман, шахрида қарорлар бланкаси устида русча-ўзбекча ёзиладими?”

– Давлат тилини ривожлантириш департаменти тадбиркорлик фаолиятига қарши эмас, лекин оддий масала: тадбиркор реклама эълони, пешлавҳасини давлат тилида ёзсин. Нима, ишхона, ошхона, гўзаллик салонлари ўз номини давлат тилида ёзса, унинг савдоси ўладими?

Фаолият давомида имконини ва шароитдан келиб чиқиб, барчага давлат тилида иш юритишни ўргатишга ҳаракат қилияймиз. Ўзтирозлар, қаршиликлар ҳам йўқ эмас, аммо энг асосийси, биринчи раҳбарнинг қўллаб-қувватлаши ва бу жараённи шахсан назоратга олгани инсонни янада кўпроқ ишлашга ундайди.

Хуллас, вазирлик ва идораларда давлат тилида иш юритишни таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляпти, аммо бу билан тўхтамаслик, чегараланиб қолмаслик керак, назаримда. Бундан ташқари, бу нафақат маслаҳатчи, балки бутун жамоанинг иши. Агар ҳар ким бунга ўзининг оз-оздан ҳиссасини қўшадиган бўлса, қўзланган манзилга белгиланган муддатдан олдинроқ етиб борамиз.

Нурулла АБДУЛЛАЕВ,
АКТ вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

УЧИНЧИ ТАШАББУС

ТЎРТКЎЛДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Тўрткўл тумани ҳокими, АКТ вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ҳамда “Ўзбектелеком” АЖ республика филиали раҳбарияти, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Бошқа барча РТЎМларда бўлганидек, керакли техник ва технологик воситалар билан таъминланган ушбу марказда ёшларга ахборот технологиялари, дастурлаш, веб-дастурлаш, мобил иловаларни яратиш, IT ишбилармонлик ва лойиҳаларни бошқариш асосларини, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнининг замонавий ва натижақили механизмларини яратиш, компютер технологиялари, робототехника ва киберспорт йўналишларини ўргатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шунингдек, ўқув марказида тумандаги қоржона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириш режалаштирилган.



ДАВРА СУҲБАТИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

UNICON.UZ – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида “Соҳага оид телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари бўйича қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш” бора-сида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатга олинган “Телекоммуникация хизматлари кўрсатиш қоидалари”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди. Жумладан, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникация операторлари, провайдерлари, дилерлари ва эшиттирувчилар билан фойдаланувчилар ўртасида шартнома (келишув) асосида тақдим этиладиган телефон алоқаси, таксофонлардан телефон алоқаси, қўриқлаш сигнализацияси аппаратурасини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот-маълумот, телеграф, маълумотлар узатиш тармоғи, интернет, жамоат фойдала-

ниш жойларида интернет тармоғидан симсиз фойдалана олиш, мобил алоқа, миллий ва халқаро роуминг, тижорат асосидаги кабелли, эфир, интерактив, IPTV, OTT (Over the Top) ва on-line телевидение хизматларини ташкил қилиш, шунингдек, улардан фойдаланиш, хизматларни кўрсатиш тартиби, шартлари ҳамда субъектларнинг жавобгарлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.

Давра суҳбати интерфаол кўри-нишда савол ва жавоблар тариқасида давом этди.



GAMEFICATION

ТАЪЛИМДА САМАРАГА ЭРИШИШ УЧУН ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Эътибор берсак, аксарият болаларнинг Minecraft, PUBG MOBILE, Brawl Stars, Roblox каби ўйинларга муккасидан кетиб, ўйнаб ўтириши ёки муҳокамалар қилаётганига гувоҳ бўламиз. Лекин уларнинг фарзандларимиз руҳиятига, билим савияси ёки дунёқарашига қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми?! Ўйинларнинг фойдали ёки зарарли турлари борми? Аслида болаларнинг янгича ўйинлари ўйнаши қанчалик тўғри? Эҳтимол, улар орқали фарзандларимиз маълум даражада билим олар?!

Бугунги кунда смартфон ва компьютер ўйинлари фойдаланувчилар учун нафақат кўнгилочар восита, балки янги таълим муҳити сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Ҳозирги даврда анъанавий таълим шакли билим олишда янгича усулларга муҳтож авлоднинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар доим ҳам ҳисобга олмайди. Бу эса кўшимча онлайн таълимнинг ривожланишига туртки берди. Айниқса, жаҳонда кузатилган пандемия оқибатида бу ҳолат янада жадаллашди.

Аммо онлайн таълимнинг асосий камчилиги – ўқувчиларнинг ташқи омилларга чалғиб, дарсларга бўлган қизиқишларини тез йўқотишлари. Ҳўш, ўқувчилар қизиқишини оширадиган, ўқитувчилар ишини осонлаштирадиган ва таълим тизимига янгича йўналишда ёндашадиган бирор усул мавжудми?

Бу муаммони ҳал этишда психологлар томонидан тавсия этилаётган ўйинлар механикаси янги авлод ўқувчиларининг дарс жараёнлари вақтида тез зерикиб қолмаслигига ва уларнинг дарс бўлган диққат-эътиборини кучайтиришга кўмаклашади. Ўйин механикаси бизнесда ХХ аср бошларидан буён қўлланиб келинмоқда. “Gamefication” (кейинги ўринларда – геймификация) атамаси эса ўтган асрнинг 80-йилларида пайдо бўлган.

Геймификация – бу ўқувчиларни/иштирокчиларни ноанъанавий тарзда ўйин ёрдамида ўқиш/иш жараёнига жалб қилиш. Тўғри тузилган геймификация фойдаланувчининг мотивациясини ҳамда таълим тизимига қўшилиш иштиёқини оширади.

Мазкур усул дастлаб маркетинг ва савдода қўлланилган. Лекин кейинчалик технология босқча фаолият турларига ҳам кириб борди. Масалан, геймификация таълим тизимига киришининг яққол намунаси бу – “LinguaLeo” ўйинида фойдаланувчилар виртуал шернинг боласини боқиб орқали инглиз тилини ўрганишади. Ўйинчи қанча кўп ҳаракат қилса, шернинг боласи шунчалик бахтли бўлади ва куч олади. Натижада фойдаланувчи инглиз тилини ўзлаштиришда муваффақиятга эришиб боради. Ҳозирда бу каби (MinecraftEDU, Duolingo, ClassDojo ва бошқалар) геймификацияга

асосланган платформалар кўпплаб топилди.

Нима учун одамларда ўйинга боғлиқлик пайдо бўлади? Бу ҳар бир ўйинчининг руҳияти, стратегияси ва дунёқарашига боғлиқ. Эссекса университети профессори Ричард Бартл ўйин ишқибозларини 4 та асосий тоифага – “лидерлар”, “эришувчилар”, “тадқиқотчилар” ва “зиёфатчилар”га ажратади. Бир ўйинни 4 хил тоифадаги ўйинчилар ўйнаб, 4 хил завқ оладилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, энг муҳим босқичлардан бири бу фойдаланувчилар гуруҳи ҳамда ўйинчиларнинг қайси тоифага ҳосилгини аниқлаш. Бу ўйинни ким ўйнайди? Ўйинчиларга нима мотивация беради? Уларни нима рағбатлантиради? Даставвал шу каби саволларга жавоб бериш муҳим. Тахлил қанчалик батафсил бўлса, келажакда геймификация пойдевори ҳам шунчалик мустаҳкамланиб боради. Аудиторияга юзаки қараш барча ҳаракатларни йўққа чиқариши ҳеч гап эмас.

КЕЛАЖАК ТАЪЛИМИДА ГЕЙМИФИКАЦИЯНИНГ ЎРНИ

Таълимдаги ўйин механикаси – бу узокда мўлжалланган тенденция. Бир томондан геймификация аллақачон таълим соҳасидаги самарадорлигини исботлашга улгурган бўлса, иккинчи томондан геймификацияга таълимдаги барча муаммоларнинг ечими сифатида қараш хатодир.

Геймификация онлайн ва офлайн тартибларни бир-бирига яқинлаштиришга ҳам ёрдам беради: ClassDojo ва Kahoot бунга яққол мисол бўла олади. Келажакда геймификация ҳам самарали воситага айланиши мумкин. ClassDojo – бу ўқитувчи учун бир зумда ўқувчига ўйин шаклида фикр билдириш имкониятини берувчи хизматдир. Хар бир ўқувчи ўқитувчи мукофотлаши мумкин бўлган ўзига хос “монстр”дир. ClassDojo ҳам ота-оналар учун мониторинг тизими сифатида хизмат қилади. Ушбу платформадан

180та мамлакатда 40 млн. ўқитувчи фойдаланади. Kahoot эса геймлашган тестларни яратиш хизмати бўлиб, айти дарс жараёнида ўқитувчи экранда бир нечта саволларни жавоб вариантлари билан тақдим этади. Ўз қурилмалари ёрдамида ўқувчилар саволларга тўғри жавоб вариантини беришади ва балл тўплашади. Платформадан ҳозирда 3,5 млн. ўқитувчилар фойдаланади.


Сўнгги йилларда юртимизда таълимни ривожлантириш дастурида асосий урғу рақамлаштириш ва айнан ИТ соҳасига берилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан ҳам инновацион таълимга ёндашув ва замонавий технологиялар асосида таълимни татбиқ этишга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Шунингдек, геймификация орқали таълимни ривожлантиришга қаратилган вазирликнинг йирик лойиҳалари ичида Edu Market платформасини такомиллаштириш кўзда тутилган. Edu Market – таълим платформаси сифатида бошқа аналоглардан фарқ қилади, чунки платформадаги ўйинлар асосан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимининг ўқув материалларидан иборат. Ҳозирги кунда вазирлик лойиҳа устида ишлашни давом эттирмоқда ва тез орада юқори синф ўқувчилари учун платформани ишга туширишни режалаштирган.

Ўйин усулларини ўрганишда ўқувчи қатъият билан ўқишни истади ва баъзида бир соатдан ҳам кўпроқ вақт давомида диққатни жамлашга тайёр бўлади, афсуски, аксарият болаларнинг анъанавий таълимга муносабатини биламиз. Ҳўш, нима учун фойдаланувчиларга билимни ўйин ёрдамида ўзлаштиришни мажбурий қилиб, таълим олишни завқ билан мувоозанатга солишга ёрдам бермаймиз?

Ҳар қандай ноанъанавий билим – ўқувчиларнинг глобаллашув даврида креатив тафаккурнинг шаклланишига, ҳодисалар моҳиятини тушунишга ва танқидий мушоҳада юритишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, таълимга бўлган ёндашувда ноанъанавийлик ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ҳаётимизнинг ижобий томонга ўзгариши кафолатидир.

Севара ИСҲАКОВА,
Инновация, технология ва стратегия маркази мутахассиси



СОТРУДНИЧЕСТВО

УЗБЕКИСТАНСКИЕ IT-КОМПАНИИ СМОГУТ ВЫЙТИ НА РЫНОК РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ ЧЕРЕЗ ТАТАРСТАН

По инициативе директора IT-Park Фархода Ибрагимова, компании-резиденты IT-Park Uzbekistan будут тесно сотрудничать с IT-Park Казань, Особой экономической зоной и университетом «Иннополис», партнерской сетью «БАРС Групп», а также Казанским техникумом информационных технологий. Это означает, что до конца 2021 года узбекские IT-компании получат возможность открыть свои представительства в Татарстане, а компании-резиденты IT-Park Казань и «Иннополис» предоставят новые рабочие места в Ташкенте, сообщает пресс-служба IT-Park.

На сегодняшний день в Казанском IT-Park имеется 213 компаний-резидентов, лучшие из которых ознакомятся с рынком Узбекистана и откроют свои филиалы, тем самым предоставляя новые рабочие места для перспективных IT-специалистов нашей страны. В рамках данного сотрудничества резиденты IT-Park Узбекистан также смогут выйти на рынок Российской Федерации со своими IT-продуктами, что позволит повысить уровень экспорта



Узбекистана.

Вторая татарстанская компания, руководители которой заинтересованы в сотрудничестве с IT-Park Узбекистан, называется Особой экономической зоной «Иннополис», при которой работают 220 компаний-резидентов,

включая МТС, Сбербанк и Яндекс. До конца 2021 года несколько компаний-резидентов ОЭЗ «Иннополис» планируют выйти на рынок Узбекистана, привлекая талантливых IT-специалистов нашей страны к работе над совместными инновационными проектами.

IT-ОБРАЗОВАНИЕ

IT-ЦЕНТРЫ БУДУТ БЕСПЛАТНО ОБУЧАТЬ ДЕТЕЙ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ РОДИТЕЛЕЙ

IT-Центры от IT-Park предлагают бесплатные курсы по различным направлениям для всех детей Республики Узбекистан, которые остались без попечения родителей и сейчас проживают в детских домах.

Какие курсы предлагают IT-Центры?

- компьютерной грамотности;
- веб-программирование;
- основы графики и дизайна;
- мобильной робототехники на базе Arduino и LEGO Mindstorms;
- киберспорту: CS: GO, Dota 2, FIFA 2020.

Для получения доступа на бесплатные курсы детям необходимо получить справку о том, что



они являются подопечными детского дома, а затем связаться с ближайшим IT-Центром области проживания.

На сегодняшний день насчитывается 135 функционирующих IT-центров в Республике Узбекистан, в каждом из которых можно получить доступ к любому из вышеперечисленных курсов.

Данная программа позволит раскрыть потенциал среди подрастающего поколения, увеличить число квалифицированных специалистов в сфере информационных технологий, а также поддерживать молодежь на пути к становлению востребованными IT-специалистами

В УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ В ТАШКЕНТЕ ЗАПУСТИЛСЯ ИНКУБАЦИОННЫЙ ЦЕНТР

29 июня 2021 года в онлайн-режиме состоялся запуск инкубационного центра при университете Мировой экономики и дипломатии в Ташкенте.


В ходе мероприятия участникам удалось ознакомиться с деятельностью инкубационного центра, IT-Park, а также с будущими планами, которые будут реализованы в рамках данного инкубационного центра.

Сотрудница IT-Park, координатор инкубационного центра Ойдин Каримова отметила, что инкубационный центр включает в

себя все: от углубленного обучения до постановки целей и регулярной обратной связи.

Также она подчеркнула, что за счет инкубационного центра у студентов будет возможность проходить обучение и участвовать в разнообразных семинарах и конференциях с участием специалистов всех сфер деятельности – особенно в тех, которые могут быть полезны для работы студентов.

Инкубационный центр позволит студентам свободно реализовывать свои проекты, разви-



вать свои профессиональные и личностные навыки и создавать перспективные стартап-проекты.

АВТО

НА GOOGLE MAPS ПОЯВИЛАСЬ КАРТА ТАШКЕНТА С РАДАРМИ И КАМЕРАМИ

Главное управление безопасности дорожного движения МВД опубликовало в виде таблиц список и локацию работающих в Ташкенте фоторадаров и дорожных камер.

Энтузиаст Sherzod Sh. перенес эту информацию на интерактивную карту Google Maps. Так выглядит на GOOGLE MAPS Ташкент с радарми и камерами (фото).



ОНЛАЙН ПЛАТЕЖИ

VISA ЗАПУСКАЕТ БЕСКОНТАКТНЫЕ ПЛАТЕЖИ В ОБЩЕСТВЕННОМ ТРАНСПОРТЕ ТАШКЕНТА

Visa совместно с партнерством с ООО «АТТО» и «Узпромстройбанком» анонсировала запуск системы бесконтактной оплаты проезда в общественном транспорте Ташкента. Об этом сообщили в пресс-службе компании.

«Теперь жители и гости города смогут быстро и удобно оплачивать проезд в метро и автобусах, используя бесконтактные платежные карты Visa, карты других платежных систем, а также транспортные карты АТТО», — говорится в сообщении.


На первом этапе проекта пассажиры смогут воспользоваться преимуществами бесконтактных платежей в 1100 автобусах города, а также на всех станциях метро Ташкента.

Для совершения оплаты достаточно поднести бесконтактную карту к валидатору, отмеченному символом приема бесконтактных платежей.

В планах участников проекта — оснастить бесконтактными валидаторами еще 700 единиц маршрутных такси в столице, а также продолжить внедрение бесконтактной оплаты проезда в других регионах Узбекистана.

Ташкент стал третьим городом в Узбекистане, где Visa в сотрудничестве с партнерами приступила к разворачиванию системы бесконтактной оплаты. До этого пилотные проекты были запущены в Фергане и Самарканде.





УОРРЕН БАФФЕТ ЯНГИ ПАНДЕМИЯДАН ОГОҲЛАНТИРДИ

Дунё пандемияга бутунлай тайёр эмаслиги аён бўлиб қолди, аммо бундан ҳам дахшатлилари олдинда. Buffett & Munger: A Wealth of Wisdom дастурининг сўнгги сониди Berkshire Hathaway инвестиция фонди асосчиси, миллиардер Уоррен Баффет шунга тўхталди.



Баффет коронавирус пандемиясининг фавкулудда нотекис иқтисодий таъсирга ишора қилган. Унинг сўзларига кўра, миллионлаб кичик корхоналар дахшатли зарба остида қолди, йирик корхоналарга эса омад кулиб боқди.

Apple корпорациясининг бош акционери бўлган Баффет пандемия 2020 йил иккинчи чорагида АКШ ЯИМнинг 31,4 фоиз пасайишига олиб келганини таъкидлади.

Айниқса, автомобил сотувчилари учун омадли давр бўлди: бозорда ярим ўтказгичлар ва автомобиллар етишмаслигидан ақл бовар қилмас фойда олишди.

Миллиардернинг келажак ҳақидаги башоратлари ниҳоятда пессимистик руҳга эга. “Бу ҳали ҳаммаси эмас”, — деди 90 ёшли инвестор. Унинг фикрича, дунё дахшатли сценарийларга тайёргарлик кўриш вақти келди ва энг ёмони ҳали олдинда.


“Яна бир пандемия бўлишини

билиамиз. Ядровий, кимёвий, биологик ва айни пайтда кибертахдид мавжудлигини ҳам билиамиз. Уларнинг ҳар бири дахшатли оқибатларга олиб келади. Бу борада нималардир қиялпмиз, бажаряпмиз, аммо етарли эмас”, — деди Баффет.

“АЛВИДО, АРК!” — ANDROID-ДАСТУРЛАР ЭНДИ ЯНГИ ФОРМАТДА БЎЛАДИ

Google компанияси амалдаги APK андроид дастури форматини янги — AABга ўзгартиришини ўз блогига эълон қилди. Android App bundle расман 2018 йилдан тақдим этилган эди.

2021 йилнинг августидан бошлаб Play Market рақамли дўконига юкланадиган барча дастурлар AAB форматида бўлади. Бу дастурларни турли қурилмалар учун оптимallashtiriш имконини беради.



Дастурчиларнинг таъкидлашича, AAB форматидаги инсталланган дастурни фойдаланувчи қурилмасига юклаш вақтида айнан ушбу гаджет моделига мўлжалланган файл юкланади. Шу орқали илова олдингидан кўра 15 фоиз камроқ жой эгаллайди.

Шунингдек, Googleдагиларнинг маълум қилишича, ҳозирда бир миллиондан ортиқ дастурларда янги AAB форматидан фойдаланилган. Улар орасида Twitter, Netflix, Gameloft, Adobe ва Duolingo ҳам бор.

Бундан ташқари, августдан бошлаб

катта OBB файллар кенгайтмалари Play Asset ёки Feature Deliveryга алмаштирилади.

БИР ЙИЛ ИЧИДА УНИВЕРСИТЕТНИ ТУГАТГАН 11 Ёшли БОЛАКАЙ КИБОРГГА АЙЛАНМОҚЧИ

Белгиялик 11 ёшли бола Антверпен университетини тугатиб, физика бўйича бакалавр даражасини қўлга киритди. Бу ҳақда 9NEWS хабар берди.



Лоран Симонс академик даража олиш учун атиги бир йил сарфлади. Одатда бунинг учун уч йил керак бўлади.

Энди вундеркинд бола Фламанд университети магистри бўлиш ҳақида ўйлапти. Шундан кейин ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган режаларини амалга оширомоқчи.

“Мен имкон қадар кўпроқ аъзоларимни сунъийсига алмаштиришни хоҳлайман”, — дейди Симонс.


Аввалроқ у Брюгге мактабидан бир ярим йил ичида тўлиқ курсни тамомлаган.

Бола 2019 йил охирида — 9 ёшида Эйнхховен технология университети электротехника ихтисослиги бўйича ўқиниш тугатиши керак бўлганида дунёга танилди. Университет маъмурияти ва ота-онаси ўрасида битирув санаси бўйича келиб

КАСПЕРСКИЙ БУЗИБ БЎЛМАЙДИГАН ТЕЛЕФОН ЧИҚАРАДИ

KasperskyOS базасида қурилган химояланган мобил платформали телефондан саноат ва корпоратив секторда синов фойдаланишлари куздан бошланади. Бу ҳақда “Касперский лабораторияси” раҳбари Евгений Касперский “РИА Новости”га интервюсида маълум қилди.

“Бу сиз ўйлаган телефон эмас, қўшиқлар, ҳар хил ижтимоий тармоқлар ва шунга ўхшаган “мазали” нарсалари йўқ. Бизнинг қурилма — чинакам коммуникатор, саноат ва корпоратив сектор учун KasperskyOS базасида қурилган химояланган мобил платформа”, — деди Касперский.



Касперскийнинг айтишича, бу телефондан қўнғироқлар қилиш мумкин, интернет, мессенжер, почта, офис иловалари бўлади, бироқ қаттиқ чекловлар билан, чунки хавфсизлик биринчи ўринда.

“Кузда телефонимиздан синов тариқасида фойдаланишни бошлайдиган харидорлар номини айтмайман, бу сир. Булар асосан, ходимлари махфий ва қimmat маълумотлар билан ишлайдиган йирик корпорациялар”, — деди таниқли мутахассис.

Халқаро ҳаёт



АҚШНИНГ ҚАНЧА ҚЎШНИ АФҒОНИСТОННИ ТАРК ЭТИБ БЎЛДИ?



АҚШ Мудофаа вазирлиги Афғонистондан 17 минг ҳарбий техникани олиб чиқиб, ушбу мамлакатдан қуролли кучларини чиқишини деярли тўлиқ якунлади. Бу ҳақда марказий қўмондонликка таяниб РИА Новости хабар берди.

“Қўшинни олиб чиқиш жараёни давом этмоқда. Марказий қўмондонлик ҳисоб-китобларига кўра, бутун жараёни 90 фоиздан ортиқ бажардик”, — дейилади баёнотда.

Таъкидланишича, Пентагон мингга яқин юк рейсларини амалга оширган, 17 минг турли жиҳозларни олиб чиқиб, етти объектни Афғонистон ҳарбий бўлимига топширган.

ГАИТИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ҚАРОРГОҲИДА ЎЛДИРИЛДИ

Гаити президенти Жовенел Моизга нисбатан суиқасд уюштирилди. Қотиллар унинг пойтахт Порт-о-Пренседаги қароргоҳига киришга му-

ваффақ бўлишган. Воқеа жойида унинг рафиқаси ҳам жароҳатланган ва шифохонада вафот этган. Бу ҳақда BBC хабар бермоқда.

“7 июл кuni эрталаб испан ва инглиз тилларида сўзлашадиган бир гуруҳ номаълум шахслар республика президентига суиқасд уюштиришди. Президент олган жароҳатларидан вафот этди”, — деди бош вазир вазифасини бажарувчи Клод Жозеф.

53 ёшли Жовенел Моиз 2017 йил февралдан бери ҳокимиятни бошқариб келаётган эди.

Ушбу қотиликни қоралаган “ваҳшийлик ҳаракати” деб атаган Клод Жозеф мамлакат президенти вазифасини ўз зиммасига олганини ҳам қайд этди.

Гаити дунёнинг энг қашшоқ давлатлардан биридир. Аҳолисининг 60 фоизи кунига 2 доллардан кам пул ишлаб топади. Аҳолиси 10,6 миллионга яқин.

ТУРКМАНИСТОН: РАСМИЙЛАР МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИ ИККИ БАРАВАР КАМАЙГАНЛИгини ҚАЙД ЭТМОҚДА

Туркменистон аҳолиси 2,7 миллионга тушиб, 1980-йиллардаги кўрсаткич билан бир хил ҳолат қайд этилган. Бу ҳақда аҳолини рўйхатга олишга тайёрланаётган давлат органлари вакиллари томонидан тўпланган маълумотлар асосида хабар берилмоқда.

Жаҳон банкининг расмий маълумотларига кўра, 2018 йилда Туркменистон аҳолиси сони 5,8 миллион кишини ташкил этган. Мамлакат ҳукуматининг расмий маълумотларида эса 2020 йилда аҳоли сони 6,2 миллион киши экани кўр-



сатилганди.

Туркменистонда аҳоли сони икки баробарга қисқариб кетганини ҳатто расмийларни ҳам ҳайратда қолдирган.

2008-2018 йилларда мамлакатни 1,8 миллиондан ортиқ одам тарк этган. Текширувлар аҳоли Туркия, Россия, Украина ва Ўзбекистонга кетганлигини кўрсатмоқда. 2018 йилдан расмийлар 40 ёшга бўлган фуқароларнинг мамлакатни тарк этишларини тўхтатган.

ТОЖИКИСТОНДА КАТТА Ёшли АҲОЛИ МАЖБУРИЙ ЭМЛанади

Тожикистонда катта ёшли аҳолини корона-вирусга қарши мажбурий эмлаш жорий этилмоқда, дейилади “МК” хабарида. Айтилишича, эмлаш — бепул.

“18 ёшдан катта фуқароларнинг корона-вирусга қарши вакцина қабул қилиши мажбурийдир”, — дейилади мутасадди ташкилотнинг аҳолига қилган мурожаатида.

Ҳозирда Тожикистонда COVID-19-вакцинацияси жараёнида икки хил — Хиндистонда ишлаб чиқарилган AstraZeneca ва Хитойнинг SinoVac вакциналаридан фойдаланилмоқда.

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

1941 йилнинг сентябр ойи. Иккинчи жаҳон уруши бошланган вақтлар. Нуриддин ака ва Додар аялар хонадониди ўғил фарзанд дунёга келди. Яхши ниятлар билан унга Амриддин дея исм қўйди. Аммо ота ўғилли бўлганини жанг майдониди эшитди. Додар ая Амриддинни, унинг икки акаси Олмос ва Ўлмасларни беш йилдан ортиқ ёлғиз ўзи тарбиялади.

1946 йил она юртига эсон-омон қайтган Нуриддин ака ўша вақтлар Самарқанд вилоятига қарашли бўлган Хатирчи туманига халқ судяси этиб тайинланди.

УСТОЗЛИКНИНГ МАШАҚҚАТЛИ СЎҚМОҚЛАРИДА

Ёш Амриддин эса мактаб давриданок билим олишга қизиқиб, турли ўғаракларга қатнард. Ҳатто кичик синфларга дарс ўтиш қобилиятига ҳам эга эди. Устозлари берган топшириқларни сидқидилдан бажарарди.

Ўрта мактабни олтин медал билан битиргач, 1958 йили Ленинград политехника институти (ҳозирги Санкт-Петербург техника университети)га радиомухандислик йўналишига ўқишга кириди. Уни 1964 йили тугатиб, иш фаолиятини Ўзбекистон фанлар Академиясининг ядро институтида бошлади.

– 1967 йилда турмуш ўртоғим Зулайхо билан Тошкент шаҳрига кўчиб бурганимизда, институт ётоқхонасига жойлашганмиз – деб эслайди Амриддин ака: – Лекин у ерда яшаш учун деярли шароит йўқ эди. Ўз маблагимизга рўзгор учун энг керакли нарсаларни олганмиз. Айниқса, шу даражага етишимда яқиндан кўмак берган устозларим – физика фанлари доктори, профессор Озода Ниязова ҳамда профессор Шукур Шариповларга бир умр таъзимдан.


Қаҳрамонимиз номзодлик диссертациясини 1974 йил Киев ядровий илмий текширув институтида муваффақиятли ҳимоя қилади. 1975 йилдан 2001 йилга қадар Самарқанд давлат университетида катта илмий ходимликдан кафедра доцентлиги лавозимига бўлган машаққатли йўлни босиб ўтади.

Илмий изланишлар билан бир қаторда Самарқанд шаҳридаги академик лицей ва бир қатор ўрта умумтаълим мактабларида 2012 йилга қадар ёшларга физика фанидан билим беради.

2013 йил Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси очилади. Мана саккиз йилдирки, домла ушбу кафедрада талабаларга дарс бериш билан бирга, ёш илмий ходимларнинг докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Устоз бугунги кунга қадар ТАТУ Самарқанд филиалида зога яқин бакалавр ва ўнлаб магистрларга илмий раҳбарлик қилган. Иккита монография, 150дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

– Устозим Амриддин Нуриддинович, аввало, самимий, хушчакчак, ажойиб инсон, – дейди биз билан суҳбатда “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси муdiri, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Хотам Мирзакулов. – У киши техника фанлари соҳасида етук мутахассис, олим бўлиш баробарида вилоят олий



таълим муассасаларида ўз ўрни ва илмий салоҳиятга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Менинг Россия технологик университетиди докторлик (PhD) иши юзасидан малака ошириб келишим ва шу даражага етишимда устозимнинг беминнат хизматлари бениҳоя юксакдир.

Қаҳрамонимиз Ўзбекистон фанлар Академиясининг ядро институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали раҳбарияти томонидан бир неча бор фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирланган. 2018 йилда эса “Йилнинг энг яхши тадқиқотчи-педагоги” номинацияси бўйича танловда биринчи ўринни эгаллаб, мукофотланган.

1966 йилда Зулайхо опа Ражабова билан турмуш қуриб, биргаликда бир ўғил ва бир қизни тарбиялашди. Ҳозирда қизи Нигора вилоят болалар шифохонасида олий тоифали педиатр ва аллерголог, ўғли Фарҳоджон вилоят электр тармоғи корхонасида муҳандис энергетик вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Амриддин ака бугунги кунда етти набира ва саккиз эваранинг меҳрибон бобоси. Турмуш ўртоғи Зулайхо опа бир неча йиллар давомида Самарқанд қизи Нигора вилоят болалар шифохонасида олий тоифали педиатр ва аллерголог, ўғли Фарҳоджон вилоят электр тармоғи корхонасида муҳандис энергетик вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Устоз Амриддин Салоҳитдиновга энг хайрли ва савобли фаолиятининг бардавом бўлишини тилаймиз.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Xabar”нинг Самарқанд
вилоятидаги муҳбири

СПОРТ



ФУТЗАЛ МУСОБАҚАСИ ҚИЗҒИН ЎТМОҚДА

Вилоятларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси корхоналари ўртасида мини-футбол (футзал) бўйича мусобақалар давом этмоқда.

Шундай мусобақа Сурхондарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Унда соҳа корхоналари ходимларидан иборат ўн та жамоа иштирок этди. Мусобақа якунига кўра, 1-ўринга Ucell Термиз ҳудудий бўлини жамоаси сазовор бўлди. “ЎзМобайл” филиалининг Сурхондарё ҳудудий боғламаси жамоаси 2-ўринни эгаллаган бўлса, 3-ўрин “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали жамоасига насиб этди.

Ғолиб жамоаларга алоқа соҳаси корхоналари касаба уюшмаси кўмитасининг турли даражадаги диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Олдинроқ навоийлик алоқачилар ўртасида ўтказилган футзал мусобақасида 12 та жамоа иштирок этиб, 1-ўринни “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали жамоаси, 2-ўринни АТ “Aloqabank” жамоаси, 3-ўринни эса вилоят Электромагнит мослашув хизмати жамоаси эгаллаган.



ЭЪЛОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ:

“SINTAX” хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 28 ноябрда берилган АА серияли 0006786 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 18 июндан;

“INTERNATIONAL TELECOMMUNICATIONAL TRADE COMPANY IMPEX” масъулияти чекланган жамиятига (Бухоро вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга 2020 йил 15 июнда берилган АА серияли 0007062 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 2 июлдан тугатилди.

Қўша қариганлар ҳикмати

Ушбу мақолам содда ва саримий, қалби пок, меҳнаткаш, ҳалол ва муруватли, алоқа соҳасининг чин фидойилари ҳақида. Бу икки қалб эгаси ҳудди шу касб учун туғилгандек гўё...

Ғуломжон Умрзоқович 1953 йил 2 апрелда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида дунёга келган. 1970–1973 йилларда пойтахтдаги Алоқа политехникумининг талабаси бўлиш баҳтига эришиб, уни тамомлагач она шаҳридаги алоқа тармоғида электромонтёр вазифасида иш бошлаган.

Тақдир тақозоси билан Сурхондарё вилоятига бориб қолган қаҳрамонимиз 1980–1984 йилларда Термиз шаҳридаги ташкилотлардан бирига муҳандис вазифасига қабул қилинган. У ерда ишлаб юрган кезлари, яъни 1984–1987 йилларда Тошкент электротехника алоқа институтининг кўп каналли электр алоқа факультетини сиртдан тамомлади. 1989–1991 йиллар давомида эса Афғонистон Республикаси шимолӣ ҳудудларига алоқа соҳаси тизимларини таъмирлашда амалий ёрдам бериш ишларига сафарбар қилинади. Бу пайтда Афғонистонда вазият оғир эди. Шунга қарамай ишни охирига етказиб, ўз юртига қайтиб келди. Ҳанузгача Ғуломжон ака Афғонистонда ўтказган кунларини ва гувоҳи бўлган воқеаларни эсласа, ҳудди тушида кўргандек туюлишини таъкидлайди.

Ўзбекистонга қайтган қаҳрамонимиз 1991 йилда Сурхондарё вилояти ОБТУСга лаборатория раҳбари этиб тайинланади. 1994 йилда эса ТУММС-7да бош муҳандис, 1998 йили шу ташкилот раҳбари, 2004–2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаб келган.

Ғуломжон Норматов нафақат иши, балки умр йўлдошини ҳам тақдир олиб келган вилоятдан, яна ўзи севган соҳадан топди. Термиз шаҳрида илк фаолиятини бошлаган даврида ўзи ишлаган бўлимдаги ўзбек муҳандис аёли – Роза опа билан танишиб, у билан ҳаёт йўлини боғлади. Улар биргаликда Сурхондарё вилоятининг алоқа соҳасига катта ҳисса қўшишди.



Айниқса, 2004–2011 йиллар Ғуломжон ака фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Жумладан, ҳудудий бошқармада раҳбар сифатида ишлаган кезлари ўша пайтда энг муҳим ва долзарб бўлган, яъни давлат сиёсати даражасига кўтарилган маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорликда алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантириш, радиочастоталардан самарали фойдаланишни таъминлаш, телерадиоэшиттириш ва маълумотлар узатишда техник воситаларни қўллашда суиистеъмолчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби бузилишига барҳам бериш ишларини мувофиқлаштириш, почта алоқаси, телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш ҳамда телерадиоэшиттириш тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни, жумладан, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида бош-қош бўлган.

Бундан ташқари, 2006–2008 йиллар вилоятимизда ЖВБС лойиҳаси асосида 450 км. масофага ОТАЛ ётқизиш ишларида, шунингдек, қамраб олиш даражаси паст бўлган 105та аҳоли яшаш масканларида давлат теле ва радио дастурларини етказиб бериш учун 105та кам қувватли рақамли узатгич ускунаси ўрнатигиш, вилоятнинг бориши қийинроқ, Тожикистон билан chegaradoш Боботог СФУдаги юта аҳоли яшаш масканига давлат теле ва радио дастурларини етказиш учун

телерадиоузатиш станциясини ишга тушириш, инфратузилма объектларини телефонлаштириш ишларига раҳбарлик қилган.

Қаҳрамонимиз вилоятда алоқа соҳасининг энг намунали раҳбар ходимларидан бири ҳисобланади. У кўп йиллик меҳнати, бой касбий ва ҳаётӣ тажрибаси билан ходимлар орасида катта ҳурмат қозонган инсон. Фаолияти давомида вилоят алоқа соҳаси тараққиёти учун виждонан меҳнат қилди. Қирқ йиллик фаолияти давомида кўплаб ёш ходимларга иш ўргатди, бир қанча шогирдлар етиштирди.

Ҳозирда Ғуломжон Норматов умр йўлдоши Роза опа билан тўрт фарзанднинг ибратли ота-онаси ва 13 набаиранинг суюкли бо-бо-бувисидир. Фарзандларининг барчаси ота-она касбини давом эттиришди. Улар Тошкент ахборот технологиялари университети таъминлаб, нафақат вилоят, балки республика алоқа соҳасини ривожлантириш йўлида меҳнат қилиб келишмоқда.

Оддий монтёрликдан иш бошлаган бекободлик Ғуломжон ака ўз меҳнати ва ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи даражасига етиб, умрининг 40 йилини шу соҳа ривожига бағишлади.

Муқаддас ЖЎРАБОВЕВА,
“Ўзбектелеком” АК
Сурхондарё филиали
муҳандиси

Маслаҳат

Ёзда терламайин десангиз

Баъзилар кўп терлашни гигиеник муаммо деб ҳисоблаб, шифокорга бормайди. Бекорга шундай қилишди. Чунки бу масалада фақат тозалик билан ижобий натижага эришиб бўлмайди. Қуйида терлашга қарши қўлланиладиган чора-тадбирлар билан танишасиз.

Энг аввало, шифокорга мурожаат қилинг. Кўп терлашнинг ҳам сабаблари бор: қон томир дистониясидан қандли диабетгача. Кўп терлаш иккиламчи гипергидроз бўлса, диққатни асосий касалликни даволашга қаратиш лозим. Борди-ю текширувлар ҳеч қандай натижа бермаса, бирламчи гипергидроз ҳақида гап кетаётган бўлади. Нима бўлганда ҳам, организмда қандай жараёнлар содир бўлаётганини билиб қўйган маъқул.

Қатронли совунда ювининг. Бу кўпчиликка ёқмаслиги аниқ. Лекин бир марта ишлатиб кўргач, самарасига ишонч ҳосил қилишади. Нохуш ҳид шамолда тез йўқолади, терлайдиган аъзо эса бактериялардан тез халос бўлади. Негаки, ёқимсиз ҳидни тер эмас, айнан бактериялар келтириб чиқаради. Тонгда ва кечки пайт қатронли сувда ювиниш – ажойиб чора!



Шифобахш ванна. Кўп терлашнинг олдини олиш учун ҳафтасига уч марта гиёҳли ванна қабул қилиш зарур. Таркибида ошловчи моддалар кўплиги туфайли эман пўсти, айниса, фойдали. Ваннани ҳарорати 30 даража илқ бўлган сув билан тўлдириб, қайнатма (100 г. эман пўстига 1 л. сув қўйиб, ярим соат қайнатинг ва сузиб олинг)ни аралаштиринг.

“Боратли лосион”. Бу оёқ терлашига қарши ажойиб восита. Тўрт фоизли борат кислотасининг сувли эритмасига тенг микдорда ош сиркасини аралаштириб, товон ва бармоқлар орасига суртинг. Мабодо юзингиз кўп терласа, лимон цедраси ёрдам беради: қанча кўп суртиб юрсангиз, шунча яхши.

Моддалар алмашинувини тартибга солинг. Бу борада сизга қуйидаги рецепт ёрдам беради: мойчечак, мармарак, қайин куртаги, бўзочдан тенг микдорда олиб, 1 ош қoshiғига 2 стакан сув қўйинг. Каттиқ қайнаб чиққач, бироз тиндириг ва сузиб олинг. Эрталаб ва кечаси ичасиз. Қайнатма ачиққ бўлгани учун асал қўшсангиз ҳам бўлади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Усмонжон Йўлдошев.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Ҳайъати:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Баҳоҳи келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқари

Газета “Ўзбекистон” нашриёт матбаа уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

V 4752 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 5489

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда (74) 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда (79) 225-91-10 Нукусда (91)557-84-44 Самарқандда (99)508-30-52 Термизда 234-18-59 Тошкентда (97) 211-65-05 Урганчда (73) 244-18-05 Фарғонада (93)931-08-99 Қаршида